

КЎЧМАС МУЛК ВА АВТОТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИНИ ТАҚСИМЛАШНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ (ТЕЗИС)

*Бекзод Гадоев – фуқаролик ишлари бўйича
Тошкент шаҳар Учтена туманлараро суди судьяси*

Аннотация. Мақолада мерос масаласида кўчмас мулк ва автотранспорт воситаларини тақсимлаш илмий-назарий таҳлили ҳамда мазкур масалада мероснинг алоҳида хусусиятларини такомиллаштириш масалаларига эътибор қаратилган.

Калит сўзлар: Кўчмас мулк, автотранспорт воситалари, мерос массаси, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, фуқаролик суди, судья, мерос, мерос ҳуқуқи, суд ҳал қилув қарори, меросхўр, муддат, васият.

Ўзбекистон Республикасида инсонпарвар фуқаролик жамиятини барпо этиш, мамлакатни демократлаштириш, аҳоли турмуш даражасининг сифатини ошириш, фуқаролик ҳуқуқи соҳасида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Айти пайтда мамлакатимизда мерос билан боғлиқ фуқаролик ишлари бўйича суд амалиётида фақат моддий қонун нормалари эмас, балки процессуал ҳуқуқ нормалари қўллашда ҳам айрим қийинчиликлар келиб чиқмоқда. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг ворислик ҳуқуқига оид бўлимига сўнгги йилларда киритилган янгиликлар ҳам мазкур масаланинг долзарб эканлигини исботлайди.

Мерос масаласи тарихга назар ташласак, “қадимда биргина ер участкаси, уй-жой, рўзғор буюмлари, иш қуроли ва чорва молларига нисбатан хусусий мулкчилик мавжуд бўлиб, шахснинг вафотидан кейин ушбу мол-мулклар урф-одат бўйича марҳумнинг фарзандлари эгаллигига ўтган. Шунингдек, айрим мажбурият ҳуқуқлари, масалан марҳум ҳаётлигида олган қарзини қайтаришни ҳам фарзандлар зиммасига қўйилган”¹

Одатда марҳум(а)нинг фарзандлари ва ота-онаси бўлмаган тақдирда унинг мерос мулки яқин қариндошлари ўртасида тақсимланган. Марҳум(а)нинг ворислари бўлмаган ёки у томонидан васиятнома қолдирилмаган тақдирда марҳум(а)нинг мулки хазинага топширилиб, давлат ҳисобига ўтказилган. “Мусулмон ҳуқуқида қонун бўйича ворисликда эркак ва аёлнинг мерос ҳажмларида тенглиги мавжуд эмас. Ворислик ҳуқуқи табиати бўйича мерос мол-мулкка нисбатан эркак ва аёл тенг ҳуқуқларга эга.”²

¹ <https://kun.uz/news/2018/03/23/meros-mulkni-nizosiz-kandaj-bulis-mumkin>

² И.Б.Зокиров. Фуқаролик ҳуқуқи. Тошкент ТДЮИ, 2009 йил, 609 б.

Аммо бугун глобаллашув жараёнида мероснинг массаси, салмоғи ва қамров доираси кенгайди. Тадқиқотимизда айнан кишилик тараққиётининг ривожланиши натижасида пайдо бўлган турли кўринишдаги кўчмас мулк ва автотранспорт воситаларини тақсимлашнинг долзарб хусусиятларини ёритишни мақсад қилдик.

Асосан марҳум ёки марҳуманинг вафотидан кейин уларнинг ворислари томонидан фуқаролик судларига кўчмас мулк ва автотранспорт воситаларини тақсимлаш бўйича муурожаат қилинади. Шу ўринда шуни таъкидлаш лозимки, “васият қолдирувчи ўзининг васиятномада изҳор қилган иродасини хоҳлаган вақтда ўзгартириши ва бекор қилишга ҳақли, Бу ҳақида ФКнинг 1127-моддасида кўрсатиб ўтилган, яъни васият қилувчи исталган вақтда ўз васиятномасини тўлалигича бекор қилишга ёхуд унда мавжуд бўлган айрим васият фармойишларини янги васиятнома тузиш орқали бекор қилиш, ўзгартириш ёки тўлдиришга ҳақли.”³

Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси Олий суди, АҚШ Халқаро Тараққиёт Агентлиги (USAID) ва UNDPнинг кўшма лойиҳасида мерос масаласида кўчмас мулк ва автотранспорт воситаларига нисбатан: “меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳнома мерос очилган кундан эътиборан олти ой ўтганидан кейин берилади. Қонун бўйича мерос олинганида ҳам, васиятнома бўйича мерос олинганида ҳам, агар нотариус тегишли мол-мулкка ёхуд бутун меросга нисбатан гувоҳнома беришни сўраб муурожаат этган шахслардан бошқа меросхўрлар йўқлиги тўғрисида маълумотларга эга бўлса, гувоҳнома юқорида кўрсатилган муддат тугамасидан олдин берилиши мумкин.”⁴ фикрлари қайд қилинган.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1147-моддаси 1-қисмига кўра, меросхўр мерос очилган кундан эътиборан исталган вақтда меросдан воз кечишга ҳақли. Мазкур кодекснинг 1116-моддаси 1-қисмига кўра, мерос фуқаронинг ўлими ёки унинг суд томонидан вафот этган деб эълон қилиниши оқибатида очилиши белгиланган. Шунингдек, Фуқаролик кодексининг 1134-моддасига кўра, қонун бўйича меросхўрлар ворисликка Фуқаролик Кодексининг [1135-1141-моддаларида](#) назарда тутилган навбат тартибида чақириладилар.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1135-моддасига кўра, “мерос қолдирувчининг болалари (шу жумладан фарзандликка олинган болалари), эри (хотини) ва ота-онаси (фарзандликка олувчилар) тенг улушларда

³ Г.М.Мамараимова. Мерос олиш ҳуқуқингиз бор. Рисола. Т.: ТДЮУ нашриёти, 2021, -41 б.

⁴ Ўзбекистон Республикаси Олий суди, АҚШ Халқаро Тараққиёт Агентлиги (USAID). Ўзбекистонда мерос ҳуқуқи. Электрон манба: https://www.undp.org/sites/g/files/zskgke326/files/migration/uz/uz_undp_inheritance_law_in_uzbekistan_brochure_uzb.pdf

қонун бўйича биринчи навбатдаги ворислик ҳуқуқига эга бўладилар. Мерос қолдирувчининг вафотидан кейин туғилган болалари ҳам биринчи навбатдаги ворислар жумласига қирадилар.”⁵ Демак, шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, мерос масаласи амалдаги қонунчилик билан тартибга солиниши лозим.

Юқорида берилган барча фикрларимизни умумлаштирган ҳолда қуйидаги хулосаларга келишимиз мумкин:

Биринчидан, Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, меросхўрларнинг кейинчалик соғлом оилавий муносабаларини сақлаб қолишлари учун таълим муассасаларида, фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш орган(махалла)ларида давра суҳбатларида, ОАВ(оммавий ахборот воситалар) орқали ҳамда вақтли матбуот нашрларида доимий ҳуқуқий асосланган тушунтиришлар бериб бориш лозим.

Иккинчидан, мерос масаласида кўчмас мулк ва автотранспорт воситаларини тақсимлашда мамлакатимизнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда мазкур масалада ривожланган хориж тажрибасини шарқ мамлакатлари минталитети ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996-й., 2-сонга илова.

2. И.Б.Зокиров. Фуқаролик ҳуқуқи. Тошкент ТДЮИ, 2009 йил, 609 б.

3. Г.М.Мамараимова. Мерос олиш ҳуқуқингиз бор. Рисола. Т.: ТДЮУ нашриёти, 2021, -41 б.

4. Ўзбекистон Республикаси Олий суди, АҚШ Халқаро Тараққиёт Агентлиги (USAID) ва UNDPнинг қўшма лойиҳаси. Ўзбекистонда мерос ҳуқуқи. Электрон манба: https://www.undp.org/sites/g/files/zskgke326/files/migration/uz/uz_undp_inheritance_law_in_uzbekistan_brochure_uzb.pdf

5. <https://kun.uz/news/2018/03/23/meros-mulkni-nizosiz-kandaj-bulis-mumkin>

⁵ Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996-й., 2-сонга илова. Elektron manba: <https://lex.uz/docs/-111189#-111192>